2012 йил 30 ноябрь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 235 (12.296)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланган кун тартибига мувофиқ, мажлис «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек, солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишдан бошланди.

Ушбу қонун лойиҳаси 2013 йилги солиқ сиёсати концепциясига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларини бажариш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, Солиқ кодексига, шунингдек, «Банкротлик тўғрисида»ги, «Бож тарифи тўғрисида»ги ва «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутади.

Ялпи мажлис жараёнида депутатлар киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар 2013 йилги тасдиқланган солиқ сиёсати концепциясини амалга ошириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароит яратишга, ҳисоботларни қисқартириш ва уларни тақдим этиш тартибини соддалаштириш йўли билан тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун мумкин қадар қулай шароитлар вужудга келтиришга, шунингдек, қонун ҳужжатларининг айрим нормаларини аниқлаштиришга қаратилганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Хусусан, 2013 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда Солиқ кодексининг айрим моддаларига солиқ қонунчилигини янада такомиллаштиришга, солиқ тўловчилар учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, Солиқ кодексининг 50-моддасига ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 125-моддасига юридик шахс хўжалик суди томонидан банкрот деб топилган тақдирда, тугатишга доир иш юритишнинг бутун даврида мол-мулк солиғи, ер солиғи, шунингдек, аввал ҳисобланган ва ундирилмаган тўловлар бўйича пеня ва жарималарни ҳисоблаш тўхтатиб турилишини назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Солиқ кодексининг айрим моддалари ҳам ушбу фармонга мувофиқлаштирилмоқда. Чунончи, банклар томонидан мижозларнинг ҳисобрақамларига электрон масофадан хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган молиявий хизматларга тенглаштирилади, умумий белгиланган солиқларни тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналар эса, акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмалар кавлаб олувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарни истисно этганда, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўловчилар тоифасидан чиқарилмоқда.

Солиқ кодексининг бир қатор моддаларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талабларига мувофиқ, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш муддатлари ўзгартилишини назарда тутади.

Бундан ташқари, Солиқ кодексининг айрим моддаларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар солиқ юкини камайтиришга, шунингдек, айрим нормаларни бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ва халқаро амалиётга мувофиқлаштиришга қаратилган.

Мазкур қонун лойиҳаси юзасидан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар ўз нуқтаи назарларини билдирдилар. Депутатлар қайд этдиларки, кўриб чиқилган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши 2013 йилги тасдиқланган солиқ сиёсати концепциясини амалга ошириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитни яратади, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун ҳисоботларни қисқартириш ва уларни тақдим этиш тартибини соддалаштириш йўли билан уларнинг фаолиятига мумкин қадар қулай шароитлар вужудга келтиради. Қонун ҳужжатларининг айрим нормалари бир хил маънода қўлланилишига олиб келади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоларининг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ва айрим моддаларга киритилаётган ўзгартишлар бюджет даромадларини кўпайтиришга ва давлат бюджети харажатларининг тўла ҳажмда молиялаштирилишини таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бирга депутатлар таъкидладиларки, ҳисоботларни тақдим этиш бўйича тадбиркорлик субъектлари учун яратилаётган шароитлар мамлакатимизда бизнес муҳитини янада яхшилашга ёрдам беради.

(Давоми 2-бетда)

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Танловлар

## ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ

***Хотин-қизларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, маънавий савиясини юксалтириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Президентимиз ташаббуслари билан таъсис этилган Зулфия мукофоти ҳам мамлакатимиз хотин-қизларининг эзгу интилишларини рўёбга чиқариш борасида яратилаётган кенг имкониятларга яна бир далилдир.***

Бу мукофот кўплаб иқтидорли қизларимизни кашф қилиб, уларни янада ташаббускор бўлишга, изланишга ва янги ғояларни яратишга, улкан ютуқларни қўлга киритишга ундайди.

Кеча Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳри бўйича жорий йилда танловнинг илк босқичларида пойтахтимиздаги олий ўқув юртлари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар ва Меҳрибонлик уйларидан жами 16.604 нафар қизлар иштирок этди. Уларнинг 492 нафари туман босқичларида қатнашди. Зулфия номидаги Давлат мукофоти шаҳар комиссиясига тавсия этилган номзодлар сони 150 нафарни ташкил қилди. Комиссия аъзолари томонидан энг муносиб деб топилган 55 нафар қизлар адабиёт, санъат, фан, таълим ва маданият йўналишлари бўйича ўз иқтидорларини намоён қилдилар.

Танловни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова кириш сўзи билан очар экан, Юртбошимиз томонидан ёшлар, айниқса хотин-қизларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг бугунги кундаги амалий ифодаси сифатида уларнинг жамиятимиздаги мавқеи тобора ошиб бораётганини таъкидлаш баробарида барча иштирокчи қизларга омад тилади.

— Ўн уч йилдан бери ўтказиб келинаётган ушбу танлов иқтидорли, истеъдодли қизларимизга бор маҳоратларини кўрсатишга, уларнинг келажакда ўз соҳаларининг етакчи мутахассислари бўлиб етишишларида яна бир имконият вазифасини ўтаб келмоқда, — дейди «Олима аёллар» уюшмаси раҳбари Хатима Шайхова. – Бу мукофот аёлни муқаддас билиш, унга эҳтиром кўрсатиш, жаннатмакон ўлкамизнинг келажаги бўлмиш ёшларнинг адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳасидаги билимларини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Зеро, қизларимиз миллатимиз кўрки, келажагидир.

Танловда иштирокчи қизлар уч гуруҳга бўлинган ҳолда яъни фан, таълим йўналишлари алоҳида, адабиёт, санъат ва маданият йўналишлари бирлашган ҳолда ўз истеъдодларини намойиш қилдилар.

— Мен танловнинг шаҳар босқичида қатнашаётганимдан беҳад хурсандман, — дейди С.Сирожиддинов номли академик лицей ўқувчиси Рухсора Ёрқулова. — Фан йўналиши бўйича иштирок этиб, ғолиб бўлишга астойдил ҳаракат қилаяпман, иштирокчи дугоналаримнинг ҳаммаси ҳам ушбу қутлуғ ният йўлида интилмоқдалар. Доимо ёнимда мени қўллаб-қувватлаб турган яқинларимга, устозларимга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Танлов сўнггида шаҳар хотин-қизлар қўмитаси томонидан барча иштирокчиларга фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: танловдан лавҳа**

**Козим Ўлмасов олган сурат**

***Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 29 ноябрь куни икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Қозоғистон ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.***

## ҲУКУМАТЛАРАРО ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, божхона, нефть-газ, транспорт ва транспорт коммуникациялари, кимё, қишлоқ ва сув хўжалиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маданият ва спорт, соғлиқни сақлаш, авиаташув каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири, комиссия ҳамраиси Рустам Азимов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон — Қозоғистон иқтисодий муносабатлари савдо-иқтисодий ҳамкорликка оид қатор ҳужжатларга асосланади. Бу борада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий этилган.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми мунтазам ошмоқда. 2011 йили бу борадаги кўрсаткич 47 фоиз ўсиб, 2,7 миллиард АҚШ долларидан ошди. 2012 йилнинг январь-октябрь ойларида ушбу кўрсаткич 2,2 миллиард доллардан зиёдни ташкил қилди.

Транспорт, транспорт коммуникациялари ва транзит соҳасидаги ҳамкорлик ўзаро муносабатларнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади. Анжуманда икки мамлакатнинг транспорт коммуникациялари аниқ келишилган тартибда ишлайдиган ва экспорт-импорт операциялари ҳамда товарлар транзитини амалга ошириш учун барча қулай шарт-шароитлар яратадиган бир-бирига боғлиқ тизимга айланиши зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар ҳам изчил тараққий қилмоқда. Қозоғистонда ўзбек рассомларининг кўргазмалари ташкил этилмоқда, халқ усталари ҳунармандлар ярмаркаларида қатнашмоқда, мусиқа ҳамда театр жамоаларининг гастроллари ўтказилмоқда. Қозоғистоннинг Остона, Олмаота шаҳарлари ва бошқа тўққиз ҳудудида ўзбек маданияти марказлари очилган. Улар томонидан ҳар йили «Ўзбек халқининг тили, маданияти ва маросимлари куни» ўтказилаётир.

Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Кримбек Кушербоев Қозоғистонда Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларни кенгайтириш устувор йўналиш саналишини, ушбу мажлис икки давлат ҳам ўзаро алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдорлигининг ифодаси эканини қайд этди.

– Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги азалий дўстлик ришталари бугунги кунда мустаҳкамланиб бораётгани бизни ғоят қувонтиради, – деди Кримбек Кушербоев. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жорий йил сентябрь ойида Қозоғистонга расмий ташрифи доирасида имзоланган ҳужжатлар ўзаро ҳамкорлик алоқаларимизни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро савдо айланмаси йил сайин ошиб бораётир. Ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам изчил ривожланиб бораверишига ишонаман.

Мажлисда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳақида сўз юритилди. Савдо, сармоя, банк-молия, нефть-газ, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, минтақада сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қўшма корхоналарни, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, биргаликда ўзаро фойдали лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **КЕЧА** «Камолот» ЁИҲ Яккасарой туман кенгаши ташаббуси билан туман ҳокимлигида олий ва ўрта махсус ўқув юрти талабалари учун ташкил қилинган очиқ мулоқот ёшлар муаммоларига бағишланди.

✓ **БУГУН** Адлия вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, кенг жамоатчилик вакиллари, шунингдек, ёшлар иштирокида «Конституция – миллий давлатчилигимиз асоси» мавзусида анжуман ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Маънавият тарғибот маркази Чилонзор туман бўлими ташкилотчилигида 270-мактабда «Келажагимиз баркамол авлод қўлида» мавзусида тадбир ўтказилди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• **Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Психологлар ассоциацияси ҳамкорлигида «Ўзбекистон Республикасида суд психологиясининг долзарблиги, аҳамияти ҳамда муаммо ва имкониятлари» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди.**

• **Бухорода Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан таъсис этилган «Ниҳол» мукофоти учун номзодлар танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида сараланган 72 нафар йигит-қиз ўз истеъдодини намоён қилди.**

• **Наманганда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ёнгин хавфсизлиги хизматининг жанговар тайёргарлигини кучайтириш мақсадида ўтказилаётган «Аълочи ходим» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан сараланган ёнгин хавфсизлиги қисм бошлиқлари ҳамда ўт ўчирувчилари ўз билим ва касб маҳоратларини синовдан ўтказди.**

• **«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камалак» болалар ташкилоти, Халқ таълими вазирлиги томонидан Тошкентдаги «Истиқлол» саройида «Янги авлод — 2012» республика болалар ижодиёти фестивалининг якуний босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

• **Кеча Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси томонидан Фаластин мухториятига кузатувчи давлат мақоми берилди. Шу тўғридаги резолюцияни БМТ аъзолари бўлган 193 та мамлакатнинг 138 таси қўллаб-қувватлади.**

• **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун Хавфсизлик Кенгашига Малида ўтказиладиган ҳарбий операцияни қўллаб-қувватлашни тавсия қилди. Бош котиб ўз маърузасида минтақадаги можаролардан ташвишда эканлигини билдирди.**

• **Халқаро футбол федерацияси — ФИФАнинг расмий сайтида қайд этилишича, йил якунлари бўйича жаҳоннинг энг яхши футболчисига топшириладиган «Олтин тўп» совринига жорий йилда Испаниянинг «Барселона» жамоаси ўйинчиси аргентиналик Лионель Месси сазовор бўлди. Юқоридаги жамоа ўйинчиси Андрес Иньеста ҳамда Мадриднинг «Реал» жамоаси тўпурари португалиялик Криштиану Роналдолар иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.**




# ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

***Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги ислоҳотларнинг самарали амалга оширилишида аҳоли турли қатламларининг мақсад-муддаолари ва манфаатларини ифодаловчи жамоат ташкилотлари қаторида сиёсий партиялар муҳим ўрин тутади.***

Сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ва фаоллигини ошириш орқали давлат ва жамият ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди. Сиёсий партиялар халқнинг давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи бўлишига кўмаклашади, ижтимоий ҳаётнинг сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланишига ҳисса қўшади, энг муҳими, фуқароларнинг жамият ва давлат бошқарувида бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этишдек конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишда муҳим сиёсий восита бўлиб хизмат қилади.

Айнан шунинг учун ҳам жамоат бирлашмаларининг бир тури бўлган партиялар «сиёсий»лик хусусиятига эга. Бинобарин, Конституциямизнинг 60-моддасида «Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар» деб белгиланган.

Ҳозирги вақтда республикамизда мақсад-вазифалари нуқтаи назаридан ўз сиёсий қарашларига, электоратига эга бўлган тўртта сиёсий партия, яъни Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фаолият кўрсатмоқда. Ушбу партиялар мамлакатимиз миқёсида амалга оширилаётган сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида ўзига хос дастурлари асосида иштирок этиб келмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимиз парламенти тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар сиёсий партиялар фаолиятини янада такомиллаштиришни тақозо этди. Шу билан бирга, партияларнинг жамият сиёсий тизимида ўз ўрнига эга бўлиш борасидаги интилишини кучайтирди. Айниқса, икки палатали парламент тизими жорий этилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қуйи палатаси доимий асосда ишлайдиган бўлиб, у профессионаллардан ташкил топди. Кўппартиявийлик тизимига асосланган бугунги парламентимиз томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг фракциялар томонидан билдирилаётган хилма-хил фикрлар ва ёндошувлар асосида такомиллашаётгани халқ манфаатларини муштарак равишда ифодалашга қаратилган.

Таъкидлаш лозимки, ҳар қандай давлатда сиёсий партияларсиз вакиллик демократиясини тасаввур қилиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, изчиллик билан ривожланиб бораётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар жараёнида сиёсий партияларнинг ролини ошириш масаласига ҳам катта аҳамият бериб келинмоқда, уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлардаги ўрни ва масъулияти юксалиб бормоқда. Мустақиллик йилларида қабул қилинган, халқаро андозаларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосидаги ҳуқуқий асослар биринчидан, ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги билан бир қаторда, мамлакатда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланишини белгилаб берди; иккинчидан, сиёсий партияларнинг кенг кўламда ижтимоий-сиёсий фаолият юритишини таъминлади; учинчидан, уларнинг жамиятимиздаги ўрни, нуфузи ва мавқеини, ваколатларини янада кенгайтириш ва фаолиятининг самарасини ошириш борасида янги имкониятлар очиб берди; тўртинчидан, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари ўртасидаги ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни самарали таъминлаш мақсадида асосий ижрочиси сифатида сиёсий партиялар иштирокининг қонуний асослари мустаҳкамланди.

Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари биринчидан, жамиятимиз ҳаётида ижтимоий ва сиёсий фаоллик ҳамда жамоатчилик назоратини оширишга, иккинчидан, кенг кўламли ислоҳотларни ҳамда сиёсий, иқтисодий ва гуманитар қурилишнинг мақсадли вазифаларини бажаришда, ижро этувчи ҳокимият томонидан ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги, роли, таъсири ҳамда масъулиятини кучайтиришга, учинчидан, ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг фаол иштироки учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитларни таъминлашга, тўртинчидан, ҳукумат тузилмаларининг, марказдаги ва жойлардаги давлат ҳокимият органларининг мамлакат парламентида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партиялар, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари олдида ҳисоб беришини белгилаб берадиган ва таъминлайдиган самарали механизмлар яратилишига, бешинчидан, сиёсий партия фракцияси вакилининг Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашда кафолатли ҳуқуққа эга бўлиши сиёсий партиялар фракцияларининг Олий Мажлис қуйи палатаси фаолиятини ташкил этишдаги ролини оширишга, олтинчидан, мамлакат Бош вазири, шунингдек Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокими номзодлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тегишлича Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳар бири билан ҳамда маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш тартибининг жорий этилиши, еттинчидан, мамлакат Бош вазирининг сиёсий партиялар фракцияларининг ташаббусига биноан, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг эса партия гуруҳлари ташаббуси асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимидан озод қилиниши мумкинлиги тўғрисидаги қоидаларнинг белгиланиши ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратини ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг фаолияти устидан назоратини кучайтиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Шу нуқтаи назардан парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида Юртбошимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ҳуқуқ ва имкониятларини янада кенгайтириш бўйича ҳам тарихий, ҳам концептуал аҳамиятга эга бўлган қонунчилик ташаббуслар илгари сурилди. Мазкур ташаббуснинг амалга ошиши натижасида 2011 йил 18 апрелда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг қабул қилиниши ҳам муҳим тарихий воқеа бўлди. Ушбу Қонун сиёсий партиялар фаолиятини сезиларли даражада кенгайтириб, уларнинг ижро ҳокимиятига таъсирини кучайтирди.

Сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартибнинг белгиланиши, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилишидир. Бу эса Бош вазир номзодини таклиф қилиш ижро этувчи ҳокимиятнинг сиёсий партияга боғлиқлигини англатади.

Ушбу ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» концепцияси изчил ҳаётга татбиқ этилиб, жамият ва давлат ҳаётида парламентнинг ваколатлари ва ижро ҳокимияти устидан назорат функцияси кенгайиши, сиёсий партияларнинг социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакат тақдирига, ижтимоий-сиёсий жараёнларга ижро ҳокимияти тизимининг бевосита таъсир қилиш имкониятини вужудга келтирмоқда.

Демак, сиёсий партиялар бир томондан парламент қуйи палатасидаги фракциялар орқали электорат манфаатини ифода этиш мақсадида қонун ижодкорлиги жараёнида, ҳукумат фаолиятини назорат қилишда иштирок этиш имконига эга бўлсалар, иккинчи томондан, ҳукумат олиб бораётган сиёсат учун сиёсий масъулиятни, лозим бўлса жавобгарликни зиммаларига олишларини ҳам тақозо этади. Бу шуни англатадики, сайловолди дастури аксарият сайловчилар ишончини қозонган сиёсий партия парламент қуйи палатасида кўпчилик ўринни эгаллаганидан сўнг, мазкур электорат қўллаб-қувватлаган дастурини Бош вазир номзодини таклиф қилиш орқали амалга ошириши, Бош вазирни таклиф этгандан сўнг эса уни олиб бораётган ишлари учун биргаликда масъулиятни зиммасига олишини ҳам назарда тутади. Натижада қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро келишилган, мувофиқлашган сиёсат юргизилишига замин бўлиб хизмат қилади.

Демак, сиёсий партияларга ҳам давлат, ҳам халқ томонидан жуда муҳим масъулият юкланиши билан бир пайтда сиёсий партиянинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашига нисбатан имконият ҳам яратиб берилмоқда. Албатта, бу каби фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларнинг замирида халқ манфаатини ифода этиш, мамлакат фаровонлигини таъминлаш мақсади турганлигини таъкидлаб ўтиш ўринли.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар халқ билан ҳамнафас бўлган ҳолда ишларини ташкил этишлари давр талаби. Бу борада ҳар бир сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси, жойлардаги Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларида тузилган партия гуруҳлари, бошланғич партия ташкилотлари билан узвий алоқада бўлиб, партиянинг дастурий вазифалари асосида таклифларнинг ишлаб чиқилиши, жамоатчилик назоратининг олиб борилиши, қонун ижодкорлиги соҳаларидаги фаолиятини такомиллаштириб бориши зарур. Натижада, биринчидан, сиёсий партия фракцияларининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил соҳасида парламент муҳокамасига киритаётган концептуал таклифларининг ошишига, иккинчидан, фракциялар таклифларининг электорат манфаатларини атрофлича қамраб олинишига эришилишига, учинчидан, инобатга олинган ҳамда партия таклифлари қонунларда акс эттирилганлиги натижасида жамиятда эришилган самаранинг даражаси ортишига замин бўлиб хизмат қилади. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланишининг амалий ифодаси бўлиб хизмат қилади.

**Мухтабар ҲУСАНОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг бош илмий ходими**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

«Миллий тикланиш» демократик партиясидан сайланган депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан ўз нуқтаи назарларини ифодалаб, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун шарт-шароит яратишини таъкидлаб ўтдилар. Шуниси муҳимки, давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига шикоят берилган тақдирда, устидан шикоят қилинаётган қарор ёки ҳаракатнинг ижро этилиши, шу жумладан, қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа тўловларни ундириш тўхтатиб турилади. Депутатлар, шунингдек, таъкидладиларки, иқтисодиётнинг модернизация қилинишини рағбатлантириш ва солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш партиянинг дастурий вазифаларида назарда тутилган, шу сабабли мазкур қонуннинг қабул қилиниши фракция томонидан маъқулланди.

«Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг аъзолари мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилинишини маъқуллашларини таъкидлаб ўтдилар, чунки бу банклар томонидан мижозларнинг ҳисобварақларига электрон шаклда масофадан хизматлар кўрсатиш учун шароитларни яхшилаш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятини беради. Депутатлар ушбу қонун лойиҳасини маъқулладилар, киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар партиянинг иқтисодий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда кўрсатилаётган хизматларни ривожлантириш соҳасидаги мақсадларига тўла мос эканлигини қайд этдилар.

Қонунчилик палатаси ҳар томонлама муҳокамадан сўнг мазкур қонунни қабул қилди. Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига маъқуллаш учун юборилади.

Депутатлар, шунингдек, «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш пайтида депутатлар ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши транспорт инфратузилмаси бозори айрим қатнашчиларининг бир жойга жамланиши ва монопол таъсирини сезиларли даражада пасайтириш имконини беришини ҳамда рақобат муҳитини яратиш имкониятига эга бўлган бозор соҳаси сифатида «транспорт терминаллари» хизматларини давлат томонидан тартибга солинадиган соҳалар рўйхатидан чиқаришни назарда тутишини таъкидлаб ўтдилар. Транспорт терминаллари бозорида устун мавқе элементлари ва алоҳида олинган хўжалик юритувчи субъектлар инсофсиз рақобатга йўл қўйган ҳолатлар аниқланган ҳолларда уларнинг фаолияти давлат томонидан «Рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тартибга солинади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ахборот хизмати**

# ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

***Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Давра суҳбатида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш, тадбиркорларга имтиёз ва қулай шарт-шароитлар муҳитини яратиш борасида атрофлича фикр алмашинилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органлари ҳамда Савдо-саноат палатаси ўртасидаги ҳамкорлик масалалари таҳлил қилинди.

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, айни пайтда тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат қилувчи идоралар аралашувини камайтиришга оид аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эса бу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган янги вазифаларни белгилаб берди.

Тадбирда Бош прокуратура ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда бундай тадбирларни мунтазам равишда ўтказилиши, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, амалий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида тадбиркорлар ва аҳоли ўртасида кенг тарғибот ишларини олиб бориш зарурлиги яна бир бор таъкидланди.

**Алиёр ОРИПОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

# МУЛКДОРЛАР ҲУҚУҚИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯСИ

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир.
***(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 53-моддасидан.)***

***Хусусий мулк инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш, маиший шароитларини яхшилашда муҳим омилдир. Президентимиз раҳнамолигида бу борада ҳуқуқий кафолат ва кенг имкониятлар яратилгани аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.***

2012 йил 24 сентябрда қабул қилинган «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қонунда хусусий мулкни ҳимоя қилиш асослари, мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларига оид меъёрлар ўз ифодасини топган. Унга кўра, хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатдир.

– Мазкур қонунда мулкдорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, мулк дахлсизлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадлари кўзда тутилган, – дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси юридик экспертиза ва тадбиркорларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Улуғмурод Эрназаров. – Унда хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш шартлари, унинг муддатсизлиги, бузилган мулк ҳуқуқининг қайта тикланиши, мулкдор ҳуқуқининг устуворлиги мустаҳкамланган.

Қонунга кўра, мулкдорнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида мулкдор ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилади. Яъни, хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар мулкдорнинг фойдасига талқин этилади.

Хусусий мулк ҳуқуқини амалга оширишга давлат органлари ва бошқа идораларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ушбу тизим мансабдор шахсларининг қонунга хилоф равишда аралашувига йўл қўйилмайди. Улар томонидан шундай ҳолга йўл қўйилиб, мулкдорга зарар етказилганда, мулкдор бу ҳақда судга давлат божи тўламасдан мурожаат этишга ҳақлидир. Мулкдорга зарар етказилгани аниқланган ҳолларда, бу зарар айбдор мансабдор шахслардан ундирилади.

Ҳаётда кўчмас мулк ҳуқуқи бузилишига тааллуқли ҳолатлар учраб туради. Мазкур қонунга асосан зарарнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўла қопланмагунча олиб қўйилаётган ер участкасидаги уй, бошқа иморатларни, иншоотларни бузиб ташлаш ёки дов-дарахтларни қўпориб ташлашга йўл қўйилмайди.

Давлат органлари мулкдорни бу ҳақда камида олти ой олдин хабардор қилиши шарт. Мулкдор хусусий мулк ҳуқуқининг бекор бўлишига олиб келадиган қарорга рози бўлмаган тақдирда, бу низо судда кўриб чиқилади. Низо ҳал этилгунга қадар қарорни амалга ошириш мумкин эмас.

Хусусий мулк ҳуқуқи бузилган ҳолда давлат унинг тикланишини ва суд орқали ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни уни етказган шахс томонидан тўла ҳажмда қопланади.

Бундай қонуний кафолатлар фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечириши, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши учун кенг йўл очмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда 18,4 минг янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилгани, яратилган 773 минг иш ўринларининг асосий қисми тадбиркорлик соҳасига тўғри келгани ҳам бунинг далилидир.

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманида фаолият юритаётган «Uztelmash» кичик ишлаб чиқариш корхонаси тобора ривожланиб бораётган тадбиркорлик субъектларидан биридир. Мазкур корхонада импорт ўрнини босувчи ҳамда саноатнинг барча тармоғида, жумладан, нефть-газ, кимё, металлургия, пахтани қайта ишлаш ҳамда энергетика тармоқларида самарали фойдаланилувчи уч фазали асинхрон электродвигателлар ишлаб чиқарилади. Фаолиятига «ISO 9001:2009» сифат менежменти тизими жорий қилинган мазкур корхона Маҳаллийлаштириш дастурига ҳам киритилган.

Берилган қўшимча имтиёзлар туфайли аввал кичик қувватли 12 турдаги электродвигателлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилган корхонада бугунги кунда юқори қувватли юз хил маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотларнинг барчаси мувофиқлик сертификатига эга бўлиб, улардан фойдаланувчиларга бир йилга кафолат берилади. Шу боис ҳам Олмалиқ, Навоий кон-металлургия комбинатлари, «Ўзметкомбинат», «Ўзбекнефтгаз» каби йирик компаниялар «Uztelmash»нинг асосий истеъмолчиларидир.

– Мамлакатимизда мулкдорлар ҳуқуқлари Конституциямизда тўла кафолатлангани фаолиятимиз самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда, – дейди «Uztelmash» корхонаси раҳбари Бахтиёр Саломов. – «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги янги қонун асосида давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида вужудга келган мулк ҳуқуқи дахлсизлиги эътироф этилгани бизга жуда маъқул бўлди. Бундай кафолатлар тадбиркорлар томонидан давлат мулки бўлган йирик объектларни хусусийлаштириб олиш ва фаолият кўламини янада ривожлантиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Дарҳақиқат, қонунда хусусийлаштириш натижасида вужудга келган мулк ҳуқуқи кафолатланиши билан бирга унинг қайта кўриб чиқилмаслиги ва бекор қилинмаслиги ҳам мустаҳкамланган. Бу қонундаги муҳим янгиликлардан бири бўлиб, бошқа давлатлар қонунчилигида бундай меъёр учрамайди.

Мазкур қонун кучга кирганидан кейин хусусийлаштирилган мол-мулк бўйича хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш масалалари юзасидан давлат органлари, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, суд томонидан ташаббус билан чиқишга йўл қўйилмаслиги ҳам қатъий белгилаб қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қонун хусусий мулкнинг самарали амал қилиши учун қўшимча шароитлар яратиш, тадбиркорлик ташаббускорлиги ва меҳнатдан манфаатдорликни рағбатлантириш, пировардида мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**





# ТЕМИРЙЎЛ БЎЙЛАБ САЁҲАТ

***«Ўзтемирйўлйўловчи» очиқ акциядорлик жамияти йўловчиларга туристик хизмат кўрсатиш билан ҳам яқиндан шуғулланмоқда. Бунда туризм, реклама ва маркетинг текширувлари ўтказиш агентлигининг хизмати катта бўлмоқда.***

Биргина жорий йилнинг ўзида мазкур агентлик томонидан 10 мингга яқин сайёҳга хизмат кўрсатилди.

Ҳозир агентлик томонидан бир қатор етакчи туристик компаниялар билан ҳамкорлик ўрнатилган.

Агентлик мутасаддилари мамлакатимизга ташриф буюрган хорижий меҳмонлар учун яна бир қулайлик яратишди. Жумладан, жамият веб-сайти модернизация қилинди. Энди юртимизга темирйўл орқали ташриф буюришни хоҳлаган сайёҳ дунёнинг исталган бурчагида туриб мамлакатимиз темирйўл тизими, поездларнинг қатнов жадвали, зарурий ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби ва нархи хусусидаги ахборотларга эга бўлиши мумкин. Сайёҳларни темирйўлдан фойдаланишга кенгроқ жалб этиш борасида ҳам маркетинг текширувлари ўтказиб турилади. «Сиз темирйўлда кўрсатилаётган хизматдан мамнунмисиз?» мавзуидаги сўровномалар йўловчиларнинг талаб ва истакларини билиш, ўрганиш ва шу асосда фаолият олиб боришга кўмак бермоқда.

**Акбар АЛИЕВ**




**2012 йил — Мустаҳкам оила йили**

# СПОРТГА ОШНО ОИЛАЛАР БАҲС ЮРИТДИ

***Юртимизда жорий йилнинг Президентимиз томонидан «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан жойларда бир қатор оилавий спорт мусобақаларининг ташкил этилиши орқали оммавий спорт турлари янада ривожланмоқда ҳамда бу оила аъзоларининг жисмонан бақувват ва соғлом бўлишига имкон яратмоқда. Дарҳақиқат, оила жамиятнинг бир бўлаги бўлиб, оила соғлом экан, жамият ҳам соғлом бўлади. Ҳар қандай соғлом жамиятга эга юртнинг келажаги буюкдир.***

Ана шундай хайрли мақсадлардан келиб чиққан ҳолда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан «Чилонзор» спорт мажмуасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали, Чилонзор туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Спортчилар оиласи — мустаҳкам оила» оилавий спорт ўйинлари ўтказилди.

Тадбирдан кўзда тутилган асосий мақсад жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни оилаларнинг кундалик турмуш тарзига сингдириш, оила аъзоларини турли спорт ўйинлари ва жисмоний машқларга қизиқтириш, маҳаллалардаги оилалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт билан мунтазам шуғулланаётган оилаларни аниқлаб, улар ўртасида мусобақалар ўтказиш ҳамда шу йўл билан бошқа оилалар фаоллигини кучайтиришга эришишдан иборат.

Мусобақалар 2 босқичда ўтказилиб, биринчи босқич туманларда маҳаллаларда ғолибликни қўлга киритган жамоалар ўртасида ўтди. Шу тарика ҳар бир туманда ғолиб бўлган оилавий жамоа шаҳар финал босқичига йўлланма олди. Унда жами 11 та кучли оилалар югуриш, акробатика, нишонга отиш эстафетаси, ким чаққон ва мерган, моҳир ҳужумчи, арқон тортиш, моҳир ўқотар, чаққон она ҳамда эпчил қиз шартлари бўйича беллашишди.

Мусобақада оилалар жуда фаол иштирок этганлиги учун ғолибларни аниқлаш осон кечмади. Ҳакамлар ҳисоб-китобидан сўнг Сергели туманидан Қаюмовлар оиласи ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасини забт этишга муваффақ бўлди. Юнусобод тумани вакиллари — Абдужалиловлар эса иккинчи ўринни эгаллашди. Учинчи ўрин иккита оила — Чилонзор туманидан Мираҳмедовлар ва Учтепадан Хотамовларга насиб этди.

«Спортчилар оиласи — мустаҳкам оила» оилавий спорт ўйинларининг ғолиб ва совриндорларига ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

**СУРАТДА: оилавий спорт ўйинлари қатнашчилари**

**Козим Ўлмасов олган сурат**

# ДЎСТОНА АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

***Тошкент Давлат шарқшунослик институтига Покистон Ислом Республикасининг Лахор хотин-қизлар коллежи профессор-ўқитувчилари ва талабаларидан иборат делегация ташриф буюрди. Шу муносабат билан олий ўқув юртида «Ўзбекистон — Покистон» дўстлик жамияти ва институт раҳбарияти томонидан дўстлик кечаси ташкил этилди.***

Унда покистонлик меҳмонлар, Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари, «Ўзбекистон — Покистон» дўстлик жамияти ва институт раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари, институт қошидаги лицейларнинг ўқитувчи ва талабалари иштирок этдилар. Тадбирни «Ўзбекистон — Покистон» дўстлик жамияти раиси ўринбосари, йирик урдушунос олим Т. Холмирзаев очди ва олиб борди. Унда сўзга чиққан «Ўзбекистон — Покистон» дўстлик жамияти раиси, институт ректори, профессор А. Маннонов меҳмонларни қутлар экан, иккала давлатнинг дўстлик алоқалари, Ўзбекистондаги урдушуносликнинг ютуқларига эътибор қаратди. Делегация раҳбари Лахор хотин-қизлар коллежи профессори Сайра Фаруқи Ўзбекистоннинг бугунги келажаги порлоқ ёшларига қарата шундай деди: «Мамлакатнинг равнақи ва кўркини авваламбор сиз каби илмга чанқоқ, иқтидори баланд, маънавий дунёси бой, кўзлари меҳрга тўла ёшлар билан баҳолаш мумкин».

Учрашувда Покистоннинг «Иттиҳаад» газетаси мухбири Тахир Фаруқи ҳам сўзга чиқиб бугунги мустақил Ўзбекистоннинг олиб бораётган иқтисодий ислоҳотлари эртанги порлоқ келажакка замин эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги консули Танвир Аҳмад дўстона учрашув учун институт раҳбариятига ташаккур билдирди.

Дўстлик кечасига институт ва лицей талабалари томонидан тайёрланган бадиий дастур алоҳида файз бағишлади.

Делегация аъзолари шунингдек, институт қошидаги урду тили ва адабиёти марказида ҳам бўлишди.

**(Ўз мухбиримиз)**

***Ўзбекистон Бадиий академиясининг Икуо Хираяма номли Халқаро маданият карвон саройида «Муштум» кулги ва ҳажв журнали ҳамда Халқаро маданият карвон саройи ташкилотчилигида «Муштумнинг Америка альбоми» деб номланган ижодий учрашув ўтказилиб, рассомларнинг кўргазмаси очилди.***

# ИЖОДИЙ УЧРАШУВ ВА КЎРГАЗМА

Ижодий учрашувда «Муштум» журнали бош муҳаррири Носиржон Тошматов, журналнинг бош рассоми Ҳусан Содиқов, рассомлар Шавкат Музаффар ва Фаррух Тешаевлар шу йилнинг 13-15 сентябрь кунларида Вашингтонда ўтказилган карикатурачиларнинг Конвенсиумидаги иштироки ва олган таассуротлари билан ўртоқлашдилар.

Ижодий учрашув доирасида ташкил этилган кўргазмада рассомларнинг 40дан ортиқ энг яхши карикатуралари намойиш қилинди. «Муштумнинг Америка альбоми»га кирган расмлар орасида Вашингтон, Нью-Йорк, Сан-Франциско ва АҚШнинг бошқа шаҳарлари манзаралари чизилган расмлар ҳам экспозициядан ўрин олди.

Учрашувда ва кўргазманинг очилишида пойтахтимиз ўқув юртлари ўқувчилари, талабалари, профессор-ўқитувчилар, рассомлар, санъатшунослар, турли касб эгалари қатнашди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

**Очиқ мулоқот**

# ФУҚАРОЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Ўлкамизда қиш эшик қоқмоқда. Об-ҳаво ҳарорати пасайиши, ёғин-сочинли кунларнинг келиши билан шаҳримиздаги кўп қаватли турар жой бинолари, маданий ва маиший объектлар, хонадонлардан ташкил топган маҳаллаларда коммунал хизматлар, табиий газ таъминоти ҳамда бошқа йўналишларда баъзи муаммолар пайдо бўлиши эҳтимолдан холи эмас. **Тошкент шаҳар ҳокимлиги шу йил 4 декабрдан эътиборан ҳафтанинг ҳар сешанба ва пайшанба кунлари туманлар ҳокимлари ва уларнинг тегишли хизматлари раҳбарлари иштирокида «Toshkent teleradiokanali» орқали тўғридан-тўғри «Очиқ мулоқот»лар ташкил этишни йўлга қўймоқда.** Юртимизда қиш мавсуми бошланганини ва аҳолининг барча саволларига бевосита жавоб қайтарилиб, муаммоларининг ҳал этилиши муҳимлигини инобатга олиб ушбу кўрсатувлар жонли тарзда эфирга узатилади. Уларда туман ҳокими ва бошқа мутасадди раҳбарлар иштирок этишади. Кўрсатув давомида берилган ва аҳолидан келиб тушган барча саволлар мониторинг қилиб борилади ва уларнинг бирортаси ҳам жавобсиз қолдирилмайди. Кўрсатувда жавоб беришга улгурилмаган саволларга ҳокимлик веб-сайти орқали тўлақонли жавоблар бериб борилади ва уларнинг ижроси назорат қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, икки ой давомида бўлиб ўтадиган очиқ мулоқотларда фуқаролар ўзларини қизиқтираётган барча саволларига жавоб олиш имкониятига эга бўладилар.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар!**

Энди сиз қуйида келтирилаётган жадвал асосида белгиланган кунлари соат 19:00 дан 21:00 га қадар туманлар раҳбарларига муаммоли масалалар бўйича 214-16-97, 214-16-98, 214-16-99 телефон рақамлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

| Т-р | Туманлар | “Очиқ мулоқот” куни | Иштирокчилар |
|---|---|---|---|
| 1. | Мирободтумани | 4.12.12 | Туман ҳокими, ХУЖМШ уюшмаси раҳбари, ободонлаштириш бошқармаси, электр, газ, иссиқлик таъминоти, “Махсустранс” ИЧБ ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари |
| 2. | Мирзо Улуғбек тумани | 6.12.12 | |
| 3. | Олмазор тумани | 11.12.12 | |
| 4. | Сергели тумани | 13.12.12 | |
| 5. | Учтепа тумани | 18.12.12 | |
| 6. | Чилонзор тумани | 20.12.12 | |
| 7. | Юнусобод тумани | 25.12.12 | |
| 8. | Ҳамза тумани | 8.01.13 | |
| 9. | Бектемир тумани | 10.01.13 | |
| 10. | Шайхонтоҳур тумани | 15.01.13 | |
| 11. | Яккасарой тумани | 17.01.13 | |
| 12. | Тошкент шаҳар | 24.01.13 | |

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати.**

***Бугунги кунда шаҳримиздаги ОИТСга қарши кураш марказида касалликдан ҳимояланиш ва унинг олдини олиш бўйича кенг қамровли профилактика ишлари олиб борилмоқда.***

**1 декабрь — Халқаро ОИТСга қарши кураш куни**

# КЕНГ КЎЛАМДАГИ ПРОФИЛАКТИКА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш маркази мутахассислари томонидан маҳаллаларда, олий ўқув юртлари, коллеж, лицей ва мактабларда ёшлар орасида гигиеник тарғибот-ташвиқот ишлари кенг йўлга қўйилган.

Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш маркази бош шифокори Венера БАРОТОВА билан бўлган суҳбатимиз ҳам касалликдан ҳимояланиш ва унинг олдини олиш масалалари хусусида кечди.

— ОИТС орттирилган иммунитет танқислиги синдроми ҳисобланади, — дейди Венера Баротова. — УОИВ инфекциясининг якуний босқичидир. ОИВ — инсон организмидаги иммунитет танқислигини келтириб чиқаради. У асосан одамнинг ҳимоя тизимига таъсир қилади. ОИВ ва ОИТС касаллигининг фарқи нимада деган савол туғилиши табиий.

ОИВ инфекцияси инсон организмида пайдо бўлган вирус ҳисобланади. Лекин, касаллик аломатлари ҳали намоён бўлмаган даврдир. Бу даврда инсон вирус ташувчи ҳисобланади. Бунда унинг организмига тушган микроб таъсирига иммунитет тизими маълум даражада жавоб қайтаради. Уни фақат лаборатория текширишлари асосидагина аниқлаш мумкин. Вирус билан организм ўртасидаги кураш узоқ давом этади ва вируснинг ғалабаси билан якунланади. ОИТС эса касалликнинг сўнгги босқичи ҳисобланади. Бунда инсон организми ҳар қандай касалликка бардош бериш хусусиятини йўқотади. Бу давр учун ўзига хос аломатлар йўқ. Бироқ организмда дуч келган микроб касаллик уйғотиши мумкин. Шунинг учун бу вақтда тузалиши қийин бўлган турли-туман касалликлар аломатлари ҳам намоён бўлади. Вирус асосан уч хил йўл билан юқади. Қон орқали, жинсий йўл билан ва касаллик юқтирган онадан ҳомилага ўтади. Касаллик қўл бериб кўришганда, йўталганда, умумий идиш-товоқлардан фойдаланганда, кийим-кечаклар орқали юқмайди. Аҳоли орасида ОИТС инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида марказимизда ва барча даволаш-профилактик муассасаларида бир маротабалик ишлатиладиган тиббий анжомлардан фойдаланилади. Беморлар ва даволанувчилар учун барча шароитлар яратилган. Поликлиникамиз мутахассислари ҳам малакали шифокорлардан иборат. Касалликнинг онадан болага вертикал йўл орқали ўтишининг олдини олиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги бирламчи даволаш-профилактик муассасаларда, яъни оилавий поликлиникаларда барча ҳомиладор аёлларнинг ОИВ инфекциясига текширилиши ташкил этилган. Никоҳланувчи ёшларни текширишдан ўтказиш ҳам кенг йўлга қўйилган. Беморларга қуйиладиган донор қони ва қон маҳсулотлари доимий равишда текширилгандан сўнггина ишлатилмоқда.

Дарҳақиқат, ОИТС профилактикаси бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар аҳоли қатламини кенг қамраб олган. Касалликнинг олдини олиш, даволаш, хасталанганларга кўмаклашиш ва парваришлаш бўйича хизматлар Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш маркази томонидан яхши йўлга қўйилган.

Марказ ОИТС инфекциясидан самарали даволаниш имкониятига эга бўлишни таъминлаш учун махсус хизматлар ҳамда соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини салоҳиятини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

**Гулчеҳра САТТОР қизи**

**Ёнғин хавфсизлиги ойлиги**

# ҚУРИЛИШДА ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИ

***Ёнғинлар натижасида кўриладиган моддий зарарлар катта бўлсада, инсон умрига бевақт нуқта қўйилиши, шунингдек, одамларнинг майиб-мажруҳ бўлиб қолишлари, бу — «тилсиз ёв» келтирадиган офатларнинг энг даҳшатлисидир. Бугунги кунда ёнғинга қарши кураш, унинг олдини олиш катта аҳамиятга эга бўлган масалалардан бири.***

Шу боис мамлакатимизда ушбу хизмат турига алоҳида эътибор қаратилиб, соҳани янада такомиллаштириш, кадрлар малакасини ошириш, техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш устувор вазифалардан этиб белгиланган. Юртимизда жумладан, пойтахтимизда ҳам янги-янги бинолар қад кўтармоқда. Бунда қурилаётган бино ва иншоотларнинг қурилиш майдонларини, шунингдек, қурилиш-монтаж ишларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чораларини «Бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш, техник қайта жиҳозлаш ва капитал таъмирлашда ёнғин хавфсизлиги қоидалари» меъёрий ҳужжати талабларига мувофиқ ташкиллаштириш талаб этилади.

Айниқса, қурилишда электр билан боғлиқ ишларда эҳтиёткорликни ошириш зарур. Масалан, қурилишга вақтинчалик электр симларни тортиш учун изоляция қилинган симлар маҳкам тирговуч ёки трosларга илинади. Электр сими иш жойидан 2,5 м, ўтиш жойларидан 3 м, ўтиш йўлларидан 6 метр баландликда бўлиши керак. Ер, пол ёки қопламадан 2,5 метрдан пастроқ баландликда бўлган электр кабель ва симлар шикастланишдан ҳимояланган бўлиши керак. Электр пайвандлаш ва газ алангаси билан боғлиқ ишлар бажариладиган жой ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланган бўлиши ва атрофи 5 метргача ёнувчан моддалар, 10 метргача портлашга хавфли модда ва ускуналар (шу жумладан газ баллонлари ва газ генераторлари)дан бўшатилиши лозим. Иш тугаши билан электр тармоқлар, электр асбоб-ускуна ва қурилишдаги бошқа электр истеъмолчилар, шу жумладан, маиший хоналар токдан узиб қўйилиши керак; электр энергияни ўчириш марказлаштирилган бўлиши лозим.

Юқоридаги ақидаларга қатъий риоя этган ҳолда иш тутсак, ҳам қурилишни хотиржам якунлаб оламиз, ҳам келажакда бино ва иншоотларнинг хавфсизлигини таъминлаган бўламиз.

**Р. САТИБАЛДИЕВ,**
**12-ХЁХО инспектори, кичик сержант**

***Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкиллаштирилаяпти.***

Бундан ташқари оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад ёнғинларнинг олдини олишга аҳолини жалб қилишдан иборат. «Тилсиз ёв» билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. «Ўз уйингни ўзинг асра» деган шиор ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса учун тааллуқлидир. Аҳолининг қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

# ЭЪТИБОРСИЗ БЎЛМАЙЛИК

- Очиқ алангадан фойдаланилаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш.
- Электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш ва носоз ҳолда, қўлбола тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланмаслик.
- Белгиланган жойларда чекиш.

Юқоридагига ўхшаш қоидаларга риоя қилинса ҳар бир фуқаро йиллаб йиққан мол-мулкини, уй-жойини, қолаверса, ўзини ва яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади. Ҳеч кимга сир эмаски, кунларнинг совиши ҳар бир инсонни хонадонларини иситишга ундайди. Кўплаб фуқароларимиз шу ниятда қўлбола ясалган носоз газ ва электр ускуналаридан фойдаланиб, натижада нафақат уйларидан, балки ўз ҳаётларидан ҳам ажралиб қолмоқдалар. Агарда биз оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсак, уйимизда ёнаётган олов бизга фақат дўст сифатида хизмат қилади.

**Муҳайё МИРАЗОВА,**
**23-ХЁХҚ кичик инспектори**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

«Тошкентшаҳаргаз» филиали маъмурияти газ хўжалиги назоратчилари вазифасига доимий ишга таклиф этади.

*Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 59а.*

**Телефонлар:** 255-53-67, 253-63-10

*Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ишлар бошқармаси «Хизмат кўрсатиш бўлими» тугатилади, барча даъволар икки ой мобайнида қабул қилинади.*

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

***Саноат корхонаси ностандарт асбоб-ускуналарни монтаж қилиш учун монтажчилар бригадаси, шунингдек, умумий қурилиш ишлари иш бошқарувчилари (прораблар), электр-газ пайвандчилар ҳамда умумий қурилиш ишлари ишчиларини доимий ишга***

**ТАКЛИФ ЭТАДИ**

Иш ҳақи — ишбай, ўз вақтида тўланади.

*Ишчи-хизматчилар бепул овқат, транспорт хизмати билан таъминланади.*

Чимёнда корхонанинг болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.

***Мулоқот учун телефонлар: 241-10-81, 929-55-97, 241-29-94, 167-17-58.***

*Ўзингиз ҳақингиздаги маълумотларни (резюме) қуйидаги электрон почта манзилига юборинг: d - kolov @ mail.ru.*

